

**ҚОРАҚАЛПАГИСТОНДА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОХАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

Qudaybergenov Muxammedaliy Qallibekovich

Muratov Azamat Biysenbayvich

Quwatbaev Sardarbek Erkinbaevich

Turdibaev Jasur Joldasbay uli

*Қорақалпагистон қишилөк хұжалиги ва агротехнологиялар институти*

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмида хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий тармоқлари - ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар, қурилиш хизматлари, транспорт ва коммуникациялар, умумий овқатланиш соҳалари ва шунингдек таълим соҳасидаги хизматлар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Таҳлил натижаларидан айтиш мүмкини мамлакат ҳудудлари иқтисодий ўсишини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳаси салмоқли ўринга эга.

Ушбу фикр мулоҳазаларни қўйидагича изоҳлаш мукин. Хусусан, мамлакатмизда миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида 1991-2000 йилларда - бозор иқтисодиётига ўтиш ва миллий давлатчилик асосларини яратиш билан боғлиқ дастлабки ислоҳотлар даврида - ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари республикада паст бўлган. Яъни, ушбу ўтган йиллар давомида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши атиги 33,8 фоиздан 37,0 фоизга ўсган . Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ушбу даврда хизматлар бозорининг таркибий тузилиши асосан анъанавий хизматлар турлари ҳисобига шаклланган, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, уй-жой коммунал ва майший хизмат кабилар.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида", "Суғурта фаолияти тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Алоқа тўғрисида", "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши билан бирга хизматлар ҳажми кўпайди, тармоқ ва бозор таркибий қисмлари ҳам сифат жиҳатидан ўзгарди, бозор хизматларининг янги турлари пайдо бўлди. Ушбу давр хусусияти сифатида нафақат истеъмол хизматлари, балки тадбиркорликни ривожлантириш учун кўрсатиладиган хизматлар ҳам ривожланди. Жумладан, қабул қилинган "Лизинг тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ хизматларнинг алоқа ва ахборотлаштириш, банк, суғурта ва лизинг фаолияти каби истиқболли йўналишлари муваффақиятли ривожланди. Шунингдек, қулай мухитнинг яратилиши экспедиция соҳаси хизматлари ва алоқа тизимлари соҳасида хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар ташкил этилишига рағбат ва қулай шароитлар яратди.



Республикада туризмни ривожлантиришни тартибга солувчи асосий хуқукий хужжатлар бўлган “Туризм тўғрисида”ги қонун ҳамда меҳмонхона хўжалиги ва туризмни янада ривожлантириш бўйича хуқумат чора-тадбирлари туризм соҳасининг жадал ўсишида ўз ифодасини топди. Мамлакатимизда халқаро туризмнинг бой салоҳиятидан кенг фойдаланиш орқали меҳмонхона хўжалиги равнақ топди. Халқаро аэропортлар, темир йўл ва автомобил йўлларини модернизация қилиш жараёнлари нафақат Самарқанд, Бухоро, Хива, Кўқон, Шахрисабз каби тарихий шаҳарларда маърифий туризмни ривожлантиришга хизмат қилди, балки туризмни республиканинг бошқа худуд шаҳарларида экологик, илмий ва ишбилармонлик туризмни янада кенгайтириш имконини берди.

Айни пайтда, Ўзбекистон худудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантиришни таъминлаш, замонавий хизмат кўрсатиш бозорини яратиш, хизматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг оқилона тузилмасини шакллантириш, мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишни таъминлаш давлат дастурларининг устувор йўналишлари бўлиб, бу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги «2020-2023 йилларда Қорқалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4889-сон қарори асосида давлат дастури жорий этилди унинг доирасида бугунги кунда вазифалар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фикримизча, мазкур дастурнинг қатъий амалга оширилиши тармоқ корхоналари фаолиятини мутаносиб ривожлантириш ва диверсификация қилиш билан бирга, улар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлиги ва сифатини оширишга хизмат қиласди.

Хулоса қилиб айтганимизда, хизмат кўрсатиш соҳасининг барқарор ўсиши, ўз навбатида, худудларда аҳоли бандлиги даражасига ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 45-48 фоизини қамраб олади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бандликнинг таркибий таҳлили шуни кўрсатдики, энг катта улуш таълим, маданият, санъат ва фан, савдо ва умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш ва бошқалар каби ижтимоий аҳамиятга эга тармоқларга тўғри келади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

- 1.Абдукаримов Б.А. Коммунал хизматларни такомиллаштириш – аҳолига қулайликлар яратиш омили. - Т.: «Фан ва технология», 2007. - 28 б.
2. Ботирова Р., Икромов И. Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари. №11(119)-2017. <http://www.biznesdailly.uz>
3. Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг таснифи.// Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг эчимлари. Монография. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2008.



4. Омарова З.К. Развитие сферы услуг как фактор экономического роста // Фундаментальные исследования. 2007. - № 12-2. – с. 373-373; URL: <https://fundamental-research.ru/article/view?id=4260> (дата обращения: 16.01.2022).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сон қарори. <https://www.lex.uz>.